

ОИЛА ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ВА УМУМИНСОНИЙ  
МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ

*Наманган давлат университет магистранти Р.А.Хошимова*

*E-mail: ranoxosh978@gmail.com*

*Tel: +99899 978 03 78*

**АННОТАЦИЯ:**

Ушбу мақолада оиланинг шаклланишида оила миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида барпо бўлиши, эр хотиннинг мажбуриятлари, оила бошланғич негиз, ота ва она фарзанд тарбиясидаги биринчи устун эканлиги хусусида атрафлича баён этилади

**Калит сузлар:** оила, тарбия, ота-она, қадриятлар, миллий, маънавий маданият, урф одат

**ANNOUNCEMENT:**

This article describes in detail the formation of the family in the formation of the family on the basis of national and universal values, the responsibilities of the husband and wife, the family as the primary foundation, the first pillar in the upbringing of parents.

**Keywords:** family, upbringing, parents, values, national, spiritual culture, tradition

Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, жамият ҳаётининг барча соҳаларида маънавий омиллар устуворлигини таъминлашга қаратилган. Моҳият-мазмунини миллий истиқлол ғоясининг мақсадманфаатлари ташкил этган бу жараёнда ижтимоий муносабатларнинг демократик қадриятлар асосида қарор топиши, эркин фуқаролик жамияти асосларининг мустақамланишига алоҳида аҳамият берилиши натижасида: бир томондан, жамият тараққиётига хос ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий парадигмалари шаклланимоқда, бошқа томондан, жамиятда ижтимоий қатламлар ўртасида янги муносабатлар уйғунлиги қарор топмоқда.

Бу эса, оила, оилавий муносабатларни миллий ва умуминсоний ахлоқий кадриятлар негизида ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Юртбошимиз И.А. Каримов оиланинг жамият ҳаётидаги роли ҳақида тўхталиб: «Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки, инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олийжаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир. Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади» деган эди(1)

Оила – никоҳ муносабатларини, уруғ ичи муносабатлари ва уруғлараро муносабатларни тартибга солиш зарурияти билан юзага келади. Оила жамиятнинг таянчи, унинг биринчи ва бирламчи ядроси, заррасидир. Онгли оила бўлиб яшаш дунёдаги барча махлуқот ва жонзотлар орасида фақат инсон зотига хосдир. Оила тарихининг Одам Ато ва Момо Ҳаводан бошлангани ривоят қилинади. Барча муқаддас китобларда келтирилган ушбу кўҳна нақл замонавий илм-фан томонидан ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Бинобарин, муҳаббат тарихи ҳам шу кўҳна ривоятга туташади. «Севги ҳам Одам Атодан қолган инсон қонида» деб ёзганда шоир Э. Воҳидов ҳақ эди. Генетика, биология фанлари қонунларига кўра, ҳар бир инсоннинг ўзи бир олам, улар асло бири бирини такрорламайди. Ана шу бири иккинчисига ўхшамайдиган одамларнинг, яъни эр ва хотиннинг ихтиёрий иттифоқидан оила деб аталувчи янги бир олам, бу оламда ўз навбатида яна «янги одам»лар – фарзандлар вужудга келади. Жамият шу тариқа барпо бўлади, ривож топади, ижтимоий тараққиёт вужудга келади. «Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, кадриятлар, урф-одатлар бола

зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади<sup>1</sup> ». Шунинг учун ҳам, оила муаммолари, унда юритиладиган таълимтарбия масалалари азал-азалдан илму ижод аҳлининг диққат-эътиборини жалб этиб келади.. Оила, оилавий тарбия ҳақидаги тарихий манбаларни қуйидаги босқичларга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз: биринчи босқич – Марказий Осиёга ислом дини кириб келгунгача мавжуд бўлган таълимотлар (яхудийлик, зардўштийлик, буддавийлик, христианлик); иккинчи босқич – IX-XII асрларда, яъни ислом Уйғониш давридаги таълимотлар (Қуръони карим, ҳадислар, пандномалар, мутафаккирларнинг таълимотлари: Форобий, Беруний, Ибн Сино); учинчи босқич – XIV-XV асрлар, яъни Амир Темури ва темурийлар даврида мавжуд бўлган таълимотлар; тўртинчи босқич – хонликлар давридаги таълимотлар (XVI-XIX асрлар); бешинчи босқич – Марказий Осиё Чор Россияси томонидан босиб олинган даврдаги таълимотлар (XIX аср 60 йилларининг охири ва 1917 йилнинг октябрь инқилоби давригача мавжуд бўлган таълимотлар); олтинчи босқич – иттифоқ давридаги таълимотлар (1917 йил октябрь инқилобидан 1991 йил август ойигача мавжуд бўлган таълимотлар); еттинчи босқич – Мустақиллик даври, яъни 1991 йилнинг сентябрь ойдан ҳозирги давргача. Шу жиҳатдан, миллатимиз ва халқимизнинг 3000 йил аввалги кўҳна маданияти ва бой маънавиятидан сабоқ берувчи, эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал улуғланган «Авесто» ёзма ёдгорлигининг илғор ғоялари ҳақида алоҳида фикр юритишга тўғри келади. Айни шу маънода, М. Холматова «Ёш авлодни келажакка ишонч ҳосил қилиш учун авлодимиз маънавий-ахлоқий меросини чуқур ўрганиб, ўз фаолият, истеъдод ва қобилиятини ҳаёт йўналишини юрт, халқ, давлат мақсади билан уйғунлаштириш лозим»<sup>(4)</sup> деб ёзади. «Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маънавият, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди»<sup>(7)</sup> . Зардўштийлик дини таълимоти баён қилинган мазкур асарда дунёни фалсафий идрок қилиш, маънавий-руҳий покланиш, инсон маънавий-ахлоқий оламига чуқур кириб бориш, инсон бурчи, гўзаллик ва эзгуликни

англаш сингари масалалар бош мавзу даражасига кўтарилади. Бир қасидада Зардўшт шундай савол беради: «Ким ойнинг ҳам чиқиб, ҳам сўнишини яратган? Ким ерни ва тушиб кетмасин деб булутларни ушлаб туради? Ким сув ва дарахтларни яратган? Ким шамол тезлигини булутлар билан қовуштирган? Қайси мусаввир нур ва зулматни, туш ва бедорликни яратган? Ким эрталаб, тушки пайт ва кечага итоат этувчининг руҳини бошқаради? Ким отанинг юрагига ўғил кўриш орзусини солган? Бунинг ҳаммасини Ахура Mazda бунёд этган. Уни ўз руҳидан, одамни жонли, онгли, ўзини ўзи англаувчи қилиб яратган»(6) .

Биз биламизки ҳадисларда миллат, элат, тил, мамлакат чегараларини тан олмайдиган, умуминсоний мезонлар билан ўлчанадиган маънавий бойликни кўрамизки, улар асрлар давомида оила деб аталмиш тарбия ўчоғининг дастуриламали, асосий «дарслиги» ҳисобланиб келди. Ҳадислар халқ донишмандлиги намуналари бўлиб келган оғзаки ижод намуналарига ҳамда ўзбек халқ педагогикасига кучли ижобий таъсир этиб, уларни мазмунан бойитган.. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, халқ ижодкорлари нуқтаи назарича, инсон бу ёруғ дунёга ёмон одам сифатида келмайди. Унинг ёмон ёки яхши одам бўлиб шаклланиши оила тарбияси, маҳалла-кўй, лўнда айтганда, жамиятдаги мавжуд муҳит туфайли юзага келади. Бинобарин, бола аввал бошдан тўғри тарбия билан вояга етишади. Агар халқимиз ҳаётидаги турли маросимлар, расм-русумлар, анъаналарнинг ташкил этилиши шига чуқурроқ разм солсак, ишонтириш, исботлаш, намуна кўрсатиш, таъсир этиш, тасдиқлаш каби педагогик усуллар орқали баркамол инсонни тарбиялаш пировард мақсад қилиб олинганига ишонч ҳосил қиламиз. Ҳатто ана шундай турли-туман издиҳом, маросим, тўй-тўйчиқларда кўпчилик билан қилинадиган дуо-ю фотиҳаларда ҳам катта тарбиявий мақсадларга йўналтирилган хоҳиширода борки, уларнинг таъсир кучи ғоят катталигини алоҳида таъкидлаш зарур бўлади.1.

Умуман олганда, инсон ва жамият, инсоннинг табиат ва жамиятдаги ўрни, комил инсонни шакллантиришда таълим ва тарбиянинг роли, оилада

ахлоқий маданиятни такомиллаштириш масалалари илмий-назарий таълимотлардагина эмас, балки фалсафий дидактик ва бадий асарларда ҳам кенг талқин қилинди. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида Ойтўлди ўғли Ўғдулмишга бир қатор насихатлар беради: – Менинг ягона ташвишим, – дейди у, – сенинг кейинги ҳаётингдир. Отанинг иш-амали ўғлига сингса, унинг хулқида жилвагар бўлади. Болани тергаб-назорат қилиш ота-она юзининг ёруғлигини таъминлайди. Назоратдан ташқаридаги бола бебош ва ярамаслик сари оғади. Эрка бўлиб ўсган ўғилқизлар хатти-ҳаракати ота-онага мунг ва алам келтиради.(2)

Аммо ўзбек халқининг оилавий турмушга хос тарихий тараққиёт давомида орттирган ўлмас тажрибаси унинг муаммоларини ҳал қилиш ва турмуш тарзини мақсадга мувофиқ ташкил этиши муҳим аҳамият касб этади.. Шу ўринда, таъкидлаш керакки, Шарқ халқлари ҳаётида замин, оила, ота-она, болалар, қариндош-уруғ, умуман олганда, давлат мустақиллигига садоқат, инсонга ҳурмат, ишонч, хотира, виждон, эркинлик каби тушунчалар кенг маъно касб этади. Агар инсон ўзини халқнинг бир заррачаси деб ҳисобласа, халқни ўйласа ва унинг манфаати йўлида меҳнат қилсагина, миллий ва умуминсоний ахлоқий маданиятига алоқадор бўлади.

### **Фойдаланган адабётлар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Тошкент, Ўзбекистон, 2005.
3. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ 1998
4. Халматова М. Оилавий муносабатлар маданиятини такомиллаштириш ва соғлом авлодни тарбиялаш муаммолари: ф.ф.д. дис. Тошкент Давлат аграр университети. – Тошкент, 1998.
6. Маҳмудов Т., Авесто ҳақида. – Тошкент: «Шарқ», 2000
7. Авесто – тарихий-адабий ёдгорлик. – Т.: «Шарқ» НМАК, 2001